O'ZINGNI ANGLA!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 49 (511)

2006-yil 13-dekabr

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

Жараён

Маслаҳатчи

унга ишонадиган ва эргашадиган бўлдилар

Маҳаллада тинчлик, тотувлик, маънавий ва жисмоний баркамол авлод тарбиясига эришиш, ақидапарастликдан ҳимоя қилиш мақсадида диний-маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими таъсис этилганди. Шунга ҳам 2 йил бўлди. Хўш, у ўзининг зиммасидаги вазифаларни қай даражада уддалай оляпти?

Муҳаммаджон ОБИДОВ
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Марғилон шаҳрида 54 та маҳалла бор. Уларнинг барчасида аёл маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида уларнинг жиҳозланган хоналари ташкил этилган. Ҳозир қайси маҳаллага борманг, аёл маслаҳатчилари хонаси ёрдам ёки маслаҳат сўраб келганлар билан гавжумлигини кўрасиз. Ёки аксинча, унинг уйма-уй юриб ўз фуқаролари ҳолидан хабар олаётганига дуч келасиз. Эътироф этиш керакки, икки йил ичида маҳалла маслаҳатчиси одамлар ишончини қозона олди ва уларни ўз ортидан эргаштирди. Бунга қандай эришилди? Аввало, маҳалла маслаҳатчиси ўз ҳудудидаги ҳар бир оилага кириб, оила муҳити, муаммоларини ўрганди. Шу оилада ҳуқуқий билим, мустақил ғояларининг тарғиботчисига айланди, хонадон аъзоларининг дунёқараши, тарбия усуллари, рўзғор юритиш, муомала, кийиниш, ҳатто гигиена маданиятини ўрганди. Ибратли томонларини таъкидлаб, бошқа оилаларга тавсия этди. Камчиликларни ётиғи билан айтолди. Муаммоларининг ечилиши учун шаҳардаги тааллуқли идора раҳбарларига рўбарў бўлди. Чунки у энди шунга ваколатли шахс эди. Изчил ва сабот билан олиб борилган ишлар аста-секин ўз натижасини бера бошлади. Шаҳарда 2006 йилнинг биринчи ярмида ажралишлар аввалги йилнинг шу даврига нисбатан камайди, жиноятчилик, аёллар жиноятчилиги қисқарди, аёлларни иш ҳақи оладиган фаолиятга жалб этиш кўпайди. Никоҳ тўйларидаги тоғораю дастурхонлар тартибга тушди, ўсмир қизлар учун жисмоний тарбия марказлари ташкил этилди. Ана шундай амалий ишлар туфайли маҳаллада маслаҳатчи аёл шахси шаклланди. Унга одамлар ишониб эргашадиган бўлди. Маҳаллада аёл қалбини тинглайдиган, яқинлари ва ҳатто оила аъзоларига ҳам айта олмайдиган гапларини тинглайдиган сирдошга эҳтиёж бор экан. Аёл маслаҳатчилар ана шундай бўшлиқни тўлдирди.

Гўравол маҳалласидаги оилалардан бирида фарзанд содир этган жинояти учун жазо ўтарди. Онаизор эса дийдор доғида. Маслаҳатчи жазони ўташ маскани раҳбарлари ва ҳатто боланинг ўзига бир неча марта хат ёзди. Фарзанд қилмишидан пушаймонлигини билдиргач, маҳалла кафолатини тақдим этди. Жазони ўташ маскани тавсияси билан суд белгиланган жазони енгиллатди ва турини ўзгартирди. Ҳозир оила ҳам, она-бола ҳам маҳалла маслаҳатчиси измидан чиқмайди. Ўзида қарздорлик ҳиссини сезгани учун эмас, ишонч деган туйғу туфайли.

Марғилондаги норасмий диний оқимларга мойиллиги бор аёллардан биттаси шу маҳаллада яшарди. Маслаҳатчининг жуда тез ва кўп учрашув-суҳбатларидан кейин ўша аёл буткул ўзгарди. Бугун у маҳалла фаолларидан бирига айланган.

Яссавий номли маҳалла фуқаролари ичида бирорта одам ишсиз деб расман рўйхатга олинмаган. Лекин бу ишсизлар йўқ дегани эмас. Ана шу муаммони ечишга маҳалла маслаҳатчилари ҳам самарали ҳисса қўшяптилар. Бугун Марғилонда қимирлаган корхона, ташкилот, хусусий ишлаб чиқариш... борки, уларнинг раҳбарлари маҳалла маслаҳатчиларини яхши танишади. Чунки улар иш сўраб келган аёлни эринмасдан корхонага етаклаб бораверадилар. Албатта, натижаси ҳам бўлади. Яқинда ўтган иш ўринлари бозорида Фарғонадаги "Буюк ипак йўли" корхонасига таклиф бўлди. Аммо иш ҳақи 30 минг сўм атрофида экан. Шундай чоғда маслаҳатчи иккиланиб турган маҳалладошига секингина: "Мана мен ҳам 30 минг сўм маош оламан", деб қўяди.

Маълумотларга қараганда, Марғилонда 6 ойда 486 нафар аёл ишга жойланди. Касаначиликнинг жорий этилгани жуда ҳам яхши бўлди. Уйда дўппи тикаётган, чорси, сўзана чоклаётган, махси бичаётган аёллар ижтимоий ҳимояга олинди. Энди улар ўз меҳнатлари билан қўлларида куч-қуввати боридагина кун кўриб қолмай, кексайган чоғларида меҳнат нафақаси олишлари ҳам қонунийлаштирилди. Маҳалла маслаҳатчилари касаначиларни ҳунармандлар уюшмасига бириктиришга ҳаракат қилишяпти.

Дарвоқе, кези келганда, 2007 йилни Президентимиз «Ижтимоий ҳимоя йили» деб атаганлари замирида ҳам олам-олам маъно бор, деб айтиб ўтиш жоиз.

Хотин-қизлар сиёсий фаоллигини ошириш, диний-илмий дунёқарашини кенгайтириш мақсадида амалдаги қонун ва ҳужжатлар суҳбат, тренинг, мунозара шаклида тушунтирилади. Аммо маслаҳатчи аёлларимизда диний билимлар етарлими? Юртбошимиз "Жаҳолатга қарши маърифат билан" курашиш лозимлигини уқтирганлар. Лекин бошланғич диний маълумотни қаердан олиш мумкин? Қайси отинбиби аёлларга нималарни ўргатяпти? Айрим оқимлар моҳиятини тушунмаслик ва уларга адашиб кириб қолиш сабабларидан бири шу эмасмикин? Буни маҳалла маслаҳатчиси иш самарадорлигини ошириш йўлидаги муаммолардан бири дейиш мумкин. Аммо шунга қарамай, маҳалла маслаҳатчилари институтининг ташкил этилиши ўзаро иноқлик, тотувликнинг мустаҳкамланиши, маънавий-маърифий тарбиянинг кучайиши, жамиятда ғайриинсоний ғояларнинг тарқалишига йўл қўймаслик учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тақдимот

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва "Жамият" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти ҳамкорлигида "Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг конституциявий ҳуқуқи кафолатлари" мавзусида давра суҳбати ва "Жамият" газетасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Жамият талабидаги

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЖАМИЯТ

Дурдона АЛИМОВА

Тадбирда фуқаролик жамиятида оммавий ахборот воситаларининг ўрни, журналист ҳуқуқ ва бурчларининг қонуний кафолатлари ва бу борада қабул қилинган қонун ва қарорлар ҳақида фикр алмашилди. Тадбирни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов олиб борди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Исмоил Саифназаров оммавий ахборот воситалари ҳақида янги қонун лойиҳалари ва Конституцияга киритилиши мўлжалланган баъзи ўзгартиришлар ҳақида маълумот берди. Маърузаларда сиёсий партияларнинг роли ошиб борар экан, партиялар ва бошқа давлат органлари фаолиятини ОАВда ёритиш ҳам алоҳида мавзуга айланаётгани, журналист ислоҳотлар ҳақидаги ахборотни халққа кераклича етказиш ва унинг ҳуқуқий-сиёсий билимларини ошириш орқали давлат ривожига ҳисса қўшиши ҳақида таъкидланди.

Жамоат фонди директори Жамолиддин Ҳакимов фонд билан ОАВ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва келажагига эътибор қаратди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида "Жамият" газетасининг тақдимоти бўлиб ўтди. "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" шиори остида фаолиятини бошлаган мазкур газета шу кунгача газетхонларга 11 та сонини тақдим этган. Лекин илк қадамлариданоқ унга ижобий баҳо бериш мумкин. Сирожиддин Раупов бош муҳаррирлигида нашрдан чиқаётган мазкур газетанинг асосий мезони фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни, сиёсат, иқтисодиёт соҳаларидаги янгиликларни таҳлилий йўсинда ва тушунарли тилда етказиш. Таҳририятнинг устувор мақсадларидан бири газетани универсаллаштириш, ҳаммабоп материалларни кўпайтиришдир. У ўз саҳифаларида фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳияти, бу соҳада юртимизда ва хорижда шаклланган қарашлар, шу йўналишдаги амалий тажрибалар Ўзбекистоннинг янги жамият қуриш моделида қандай ўрин эгаллаётгани тўғрисидаги мақолалар, янгиланишларга нисбатан фуқароларнинг фикр-мулоҳазаларини ёритиб бориш ниятида.

Тадбир иштирокчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари "Жамият" бугунги давр талаб ва эҳтиёжидан туғилган нашр эканлигини таъкидлашди ва ҳокимият фаолиятини жамоатчиликка етказишда соддалик принципига амал қилиш, назарий маълумотларга таяниб қолмасдан танқидий материалларни кўпайтириш, жамиятдаги оғриқли муаммоларни олиб чиқиш кераклиги ҳақида таклифлар билдиришди.

Суриштирув

Танлов «қурбон»лари

ёхуд Тошкент вилояти Бўка туманида комиссиялар ишидаги юзакичилик оқибатлари хусусида

Муҳаммад ОТАҚУЛОВ

Воқеа қуйидагича бўлган: Холида Мирзақулова, Ваҳоб Султонов, Абдумўмин Рисбоев аввал "Ровот" ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш комиссияси томонидан танловда йўл қўйилган ноқонуний ишлар тўғрисида турли комиссия, идора ва ташкилотларга шикоят қилишган. Ижобий натижа бўлавермагач, "Hurriyat" газетасига ҳам арзнома йўллашди.

Суриштирув жараёнида маълум бўлдики, 1998 йилдан буён "Сарбон" фермер хўжалигининг раҳбари бўлиб ишлаб келган Х. Мирзақулова 2005 йил охирида хўжаликни қайта ташкил этиш комиссиясига ариза ва ҳужжатлар топширади. 19-контурга талабгор этиб рўйхатга олинади. Танловда ёнилғи мойлаш материаллари бўйича таъминотчи Сафар Абдуллаев ҳам шу контурга талабгор сифатида қатнашади.

Аброр Алмаматовнинг маълумоти тўғрисида диплом бўлмаса-да, 10 балл, 3 йил иш режасининг бажарилишига ортиқча балл берилиб, унга ғолиблик нотўғри топширилганлиги тўғрисидаги мурожаатига жавобан прокурор киритган протест ҳам ёрдам бермаган.

Танлов якунланган куни комиссия раиси Раҳмонали Туронов Х. Мирзақулова 62 балл, С. Абдуллаев эса 58 балл олганлигини эълон қилиб, умуман комиссия иши натижасини кейин айтамиз деган. Бироқ 2006 йил 13 январда ширкат хўжалиги идораси деворига осиб қўйилган танлов якунлари тўғрисидаги эълондан унинг бали 53 га тушганлиги, С. Абдуллаевники эса ўзгармай 58 баллигича қолганлиги маълум бўлади. Бундан таажжубланган Х. Мирзақулова дарҳол танлов комиссиясига мурожаат қилади. Шунда унга трактори учун қўйилган 9 балл трактор техник кўрикдан ўтказилмаганлиги сабабли олиб ташланганлигини айтишади. Х. Мирзақулова ҳужжатларни комиссияга топширганида тракторни техник кўрикдан ўтказиш зарурлиги тўғрисида ҳеч ким огоҳлантирмаганлигини, С. Абдуллаевга эса ҳайдов трактторини ишлов бериш трактори деб нотўғри балл қўйганлигини, унинг марҳум эридан қолган автомашина учун балл бермай, пахта етиштириш бўйича 3 йилдан буён муттасил йиллик шартнома режасини бажариб келганлиги учун 8 балл, С. Абдуллаевга эса 9 балл берилганлигини билдиради. Танлов комиссиясининг раиси бу эътирозга эътибор бермайди.

Ваҳоб Султонов 16-контурга талабгор бўлган. Танловнинг биринчи босқичида шу контурга бошқа талабгорлар С. Қаҳҳоров ва С. Эргашевалар ҳам қатнашган. Кам балл олганлиги сабабли С. Эргашева иккинчи босқичда қатнашмаган, лекин унинг танлов ғолиби деб эълон қилиниши В. Султоновнинг норозилигига сабаб бўлди. Шунда у ўзининг мол-мулкига балл берилмаганлигини, С. Эргашеванинг маълумоти ўрта ўрнига ўрта-махсус деб, иш стажи ва уч йиллик иш режаси учун нотўғри балл қўйилганлигини айтганида танлов комиссиясининг раиси пинагини ҳам бузмаган.

1994 йилдан ширкат хўжалигида ишлаб келган А. Рисбоев ҳам фермер хўжалиги ташкил этиш мақсадида комиссияга ариза ва ҳужжатлар топширади. 24-контурдаги 36 гектар ер майдони учун танлов якунларига кўра, у 39,7 балл, бошқа талабгор F. Бойқўзиев 43,6 балл тўплаб ғолиб деб топилади. А. Рисбоев комиссия қароридан норози бўлиб, F. Бойқўзиевнинг маълумоти ўрта бўлса-да, ўрт-махсус деб балл берилганлигини, уч йиллик иш режасини бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотнома, мол-мулки тўғрисидаги ҳужжатлар нотўғри эканлигини айтганида танлов комиссиясининг раиси ҳар галгидек бу эътирозни ҳам писанд қилмайди.

Танловдан кўнгли тўлмаган талабгорлар туман ҳокимлиги бўлими бошлиғига, ҳокимга мурожаат қилишади. Уларнинг илтимоси эътиборсиз қолдирилади.

2006 йилнинг апрель ойи бошланишида Х. Мирзақулова, В. Султонов, А. Рисбоевлар фуқаролик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро судига "Ровот" ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича танлов комиссиясининг 2006 йил 4 январдаги 9-сонли баённомасини ва туман ҳокимининг 2006 йил 26 январдаги 38-сонли қарорини бекор қилиш юзасидан шикоят аризалари беришди.

Айни ўша кунлари мазкур хўжаликдан Музаффар Саидов, Баҳром Айнақулов, Баҳодир Тожибоевлар ҳам худди шу мазмундаги шикоят аризаси билан мурожаат этишди.

1995 йилдан шу хўжаликда меҳнат қилиб келаётган М. Саидов 35-контурга танлов якуни бўйича 57 балл олганлигини, лекин 50 балл билан бошқа талабгор А. Бўронов ғолиб деб топилганидан норози бўлиб комиссияга, унинг раисига, бошқа тегишли раҳбарларга мурожаат қилган. Прокуратурадан судга мурожаат қилиш кераклигини маслаҳат беришган.

Шу хўжаликда яшаб, ишлаб келган Баҳром Айнақулов 31-контурда талабгор бўлган. Шу контурда бошқа талабгор Аброр Алмаматовнинг маълумоти тўғрисида диплом бўлмаса-да 10 балл, 3 йил иш режасининг бажарилишига ортиқча балл берилиб, унга ғолиблик нотўғри топширилганлиги тўғрисидаги мурожаатига жавобан прокурор киритган протест ҳам ёрдам бермаган.

Давоми 2-бетда.

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган

МММда

Икки китоб тақдимоти

МУХБИРИМИЗ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишлаб газетамиз масъул котиби, таниқли ёзувчи ва публицист Ҳаким Сатторийнинг "Ҳазрат Соҳибқирон" (Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа уйи, 2005 йил) ҳамда "Олтин силсила" ("Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2006 йил) китобларининг тақдимоти бўлиб ўтди. Таниқли тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар, ноширлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда талабалар иштирок этган тақдимот маросимини Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али олиб борди. Муҳаммад Алининг эътироф этишича, ушбу китоблар муаллифи Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва ўша давр тарихи билан ғўзғат қилиб ёки кеча шуғуланаётгани йўқ. Ҳаким Сатторий бундан роппа-роса 15 йил олдин ташкил этилган Амир Темур экспедициясининг ҳам ташаббускорларидан бири эди. Айтиш жоизки, у то шу кунгача ана шу мавзуга содиқ қолди. Ва бугунги кунда Амир Темур тарихининг билимдонларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид Амир Темур шахси мавзуси китоблар муаллифи ижодида изчил давом этиб келаётганига эътибор қаратди. Ноширлар — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа уйи бош муҳаррири Назира Жўраева ва "Шарқ" нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири ўринбосари Ибодулла Шойимардонов ушбу китобларнинг тайёрланиш жараёни билан боғлиқ воқеаларни гапириб берди. Бу нафақат муаллифнинг, балки бизнинг ҳам китобимиз, дейишди ноширлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси, юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов ва тааниқли олим Наим Ғойибов Амир Темур шахси ва фаолиятининг Европа ва Осиё мамлакатларидаги тадқиқоти ҳамда муносабатларига эътибор қаратдилар. Тақдимот доирасида сўзга чиққанлар "Ҳазрат Соҳибқирон" ва "Олтин силсила" китобларидан Амир Темур ҳаёти ва ўша даврга ҳам олимона, ҳам ёзувчи кўзи билан қаралгани, воқеалар равон ва жонли ифодалангани, шунингдек, Амир Темур шахси ва ҳаётининг ёритилишига доир қатор таклиф-мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Учрашувда сўз олган ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети устозлари Сайди Умиров, Бойбўта Дўстқораев, филология фанлари номзодлари Маҳмуд Сатторов, Наримон Ҳотамовлар "Ҳазрат Соҳибқирон" ва "Олтин силсила" китобларининг темуршуносликда ўзига хос воқеа бўлганини эътироф этдилар.

Ушбу сонда:

2 **Алдагани бола яхши...ми?**

Композиторларимизнинг болалар учун яратилган аксарият қўшиқларини эшитганда, бу асар болалар учун эмас, балки жониворлар рақси учун мўлжалланган-дек туюлади...

3 **Ахборот глобаллашуви**

Аввало, сўз ва ОАВ эркинлигини қоғозда эмас, балки амалда таъминланишига эришиш, ОАВ соҳасида ҳам тўлақонли бозор муносабатларига ўтиш ва унинг тартибга солиш тизимларини ишлаб чиқиш... талаб этилади.

4 **Тангем — миллат рамзи**

Ёшлар онгига ҳозир етишмаётган миллий ғурурни ҳам учтўртта буюк боболаримиз отини қаторлаштириб санаш билан эмас, мана шунақа сериаллар орқали, тарихий фактларни ҳис қилдириш орқали сингдириш мумкин.

HURRIYATга

2007 йил учун обуна давом этмоқда

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Танлов «қурбон»лари

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Узоқ йиллардан шу хўжаликда яшаб, ишлаб келган Баҳодир Тожибоев қуйидагиларни маълум қилади: Туман ҳокимининг 1993 йил 12 декабрдаги 461-сонли қарори билан унга 14,0 гектар ер майдони ажратилиб, 1994 йилдан деҳқон-фермер хўжалиги фаолият кўрсатган. 1998 йилда жамоа хўжалиги раиси бу ер майдони ҳоким қарори билан хўжалик ҳисобига ўтганлигини айтиб, ердан фойдаланишни тақиқлаб қўйган.

Бу ҳақда ёзма қарор ва буйруқ бўлмаганлигини билган Б. Тожибоев комиссиядан 14,0 гектар ер майдонини танлов лойиҳасидан чиқариб, унга қайтариб беришини сўрайди. Комиссияда бу масала кўрилмай жавобсиз қолдирилади.

Фуқаролик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро суди (судья А. Тўйчиев раислигида ўтган) 2006 йил 13 июндаги ҳал қилув қарори билан М. Саидов, Х. Мирзақулова, В. Султонов, А. Рисбоев, Б. Айнақулов, Б. Тожибоевларнинг шикоят аризаларини қаноатлантирди.

Танлов комиссиясининг 2006 йил 4 январдаги 9-сонли баённомаси ва туман ҳокимининг баённомани тасдиқлаш ҳақидаги 2006 йил 26 январдаги 38-сонли қарорининг танлов натижасига кўра, 16, 19, 24, 31, 35-контурлар бўйича қисми ҳақиқий эмас деб топилиб, бекор қилинди. Туман ҳокимлигига "Ровот" ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича танлов комиссиясини қайта ташкил этиб, юқоридаги контурлар бўйича танлов ўтказиш, туман ҳокимининг амалдаги "Ровот" жамоа хўжалигида "Баҳодир" номли фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарорининг ижроси бўйича Б. Тожибоевга 14 гектар ер майдони ажратиб бериш масаласини ҳал этиш вазифаси юклатилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди аппеляция судлов ҳайъати 2006 йил 2 августда мансабдор шахслар С. Абдуллаев, С. Эргашева, Ғ. Бойқўзиев, А. Бўронов, А. Алматов ва Бўка туман ҳокимлиги томонидан келтирилган аппеляция шикоятини шу ҳужжатлари билан биргаликда кўриб чиқиб ажрим қилди. Фуқаролик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро судининг 2006 йил 13 июнда чиқарган ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, аппеляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилди. Булар биргина "Ровот" ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш комиссияси йўл қўйган хато ва камчиликлар сабабли бўлаётган гаплар. Ваҳоланки, ўтган йили туманда саккизта ширкат хўжалиги қайта ташкил этилган бўлса, шундан олтитасида танлов натижаларидан норози бўлган талабгорлардан тушган шикоят аризалари фуқаролик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро судида кўриб чиқилди. Туманлараро суднинг Жамбул номли ва "Дўстлик" ширкат хўжаликлари танлов комиссиялари бўйича ҳал қилув қарорига туман ҳокимлиги ва манфаатдор шахслар томонидан келтирилган аппеляция шикояти фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди аппеляция судлов ҳайъатида кўриб чиқилиб, суд қарори ўзгаришсиз, аппеляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилди. Й. Хожиматов номли ва Жамбул номли ширкат хўжаликларидаги комиссияларнинг раислари Т. Азаматов, М. Хожиев танлов қонунбузилишларига йўл қўйгани учун жиноий жавобгарликка тортилиб, тегишли жазосини олишди.

Юқоридаги мисоллар ўтган йили танловнинг айрим ҳолларида юзакичиликка йўл қўйилганлигини, комиссиялар фаолиятининг асосий мезони — қонунийлик, ошкоралик, холислик тамойилларига амал қилинмаганлигини яққол кўрсатиб турибди. Шу ўринда мантиқан бир факт эътиборни ўзига жалб этади. Танлов комиссиялари таркибига назар ташласангиз билимли, тажрибали, мутахассис кишилар аъзо қилиб тасдиқланган. Фақат "Ровот" ширкат хўжалиги бўйича танлов комиссиясини олиб кўрайлик. Оз эмас, 23 нафар аъзоси бўлган. Сафида туман давлат солиқ инспекцияси раҳбари, меҳнат бўлими бошлиғи, деҳқон-фермер хўжаликлари вакиллиги директори каби қонун устуворлигини таъминлашга даъват этилган лавозимдаги кишилар бўлган комиссиянинг пала-партишликка йўл қўйганини кўрганингда таажжубланасан киши.

Суриштирув даврида танлов натижаларида норози бўлганларнинг сўзини, юракдаги дардини тинглаб, уларга амалдаги қонун, қоида, тартиблар атрофлича тушунтирилмагани, зарур ҳолларда уларнинг таклифига кўра, ўз жойида чоралар кўрилмаганлиги сезилди.

Танловдан норози бўлганлар ўша пайтда туман ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган Рустам Тиляповга мурожаат қилишган. Шикоятларни диққат билан тинглашни у ўзига эп кўрмаган. Дарвоқе, Р. Тиляпов илгари анча йиллар давомида "Ровот" жамоа хўжалигига раислик қилган. Шу хўжаликда бирга ишлаган Х. Мирзақулова 2006 йил 14 январда у билан учрашганида: "Нега менга ултиматум қўясан, бор, нима қилсанг қил" деган. Шу тариқа шикоят қилиш учун янги манзилларга йўлланма берилди.

Бу йил туманда 6 та ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилади. Танлов комиссиялари тузилган, уларнинг ҳаётида ғоят масъулиятли дамлар бошланди. Ўтган йилги танловнинг аччиқ сабоқлари комиссия аъзолари кенг кўламда тушинтириш ва ташкилий ишларни амалга оширишлари зарурлигини тақозо этмоқда.

Гарчи комиссия аъзолари ҳужжатларини кўздан кечириш чоғида фермерликка талабгорларни "имтиҳон"дан ўтказсалар ҳам, айни пайтда ўзлари бутун жамоатчилик кўз ўнгида жиддий синовда эканликларини сира унутмасликлари керак. Ғолиб деб топилган талабгор бўйича танловнинг тўғри ва адолатли ўтганлигига фақат унинг қатнашчилари эмас, балки бу ишнинг натижасини катта умид ва сабрсизлик билан кутган бошқа фуқароларнинг ҳам тўла ишонч ҳосил қилишларига эришиши зарур. Токи комиссия аъзоларининг эътиборсизлиги, лоқайдлиги сабабли пайдо бўладиган носоғлом қайфият гирдобига тушиб қолган кишилар яна идорама-идора, судма-суд қатнаб, инсон учун энг қимматли, қайтариб бўлмайдиган вақтни беҳуда ўтказишга мажбур бўлмасинлар.

Ҳа, туман ҳокими Неъмат Абдуллаев ҳузурида бўлиб суҳбатлашганимизда ана шулар хусусида фикр-мулоҳазалар айтилди.

Мурувват

ОТАШНАФАС шоиримиз Усмон Носир, атоқли ёзувчимиз Собир Абдулла, Чархий, Амин Умарий, Темур Фаттоҳ, Шокир Сулаймон, Жавдад Абдулла, Иброҳим Назир ва бошқалар...

Забардаст олимлар О. Аминов, М. Ўрозбоев, У. Орифий, М. Қориев, М. Назаров ва бошқалар...

Машҳур санъаткор-бастакорларимиз Сулаймон Юдаков, Ҳожиқурбон Назаров, Мутал Бурхонов ва бошқалар...

Номлари бизга номаълум, бироқ азиз Ўзбекистонимиз ва ундан ташқарида яшаб ўтган ёхуд ҳозир барҳаёт яна қанчадан қанча таниқли инсонлар...

Саксон йилдан кўпроқ давр ичида неча-неча минглаб етим-есир, меҳру шафқатга, маърифатга муҳтож болалар паноҳ ва нажот топмаган бу жойдан! Шу даргоҳнинг нону намаги билан суяги қотиб, унинг бағрикенг, ширинсўз ва мурувватли мураббийлари, фидойи муаллимлари сабоғидан ақлу зиё топиб, мустақил ҳаёт қўйнига қанот қоққанлар қанча!

Беихтиёр ёдимга бир воқеа тушди.

Шафоат қалъаси

ёхуд шоирнинг олқиш ололмаган шеъри

С.ҚАҲҲОРОВ,
"Hurriyat" мухбири

Фарғонада "Китоб байрами" бўлди. Тошкентдан ва ён-атрофдаги вилоятлардан кўплаб таниқли шоиру ёзувчилар, ноширлар ташриф буюришди. Қайноқ ва ҳаяжонли учрашувлардан бири "Меҳрибонлик уйи"да ўтди.

Чиройли кийинишган, бир-биридан ширин ўғил-қизлар чеҳрасидаги хушнудликдан, меҳмонлар шарафига улар ижро этишган рақсу қўшиқлардан ўша куни гўё бутун олам фақат гуллар ёлқинидан мунаввардек эди. Меҳмонлар ҳам ўзларида йўқ хурсанд, улар болаларга дастхат битилган китобларини, дарсликлар ва ўқув қуролларини совға қилишди.

Шеърхонлик чоғида дурустгина бир шоиримиз "Меҳрибонлик уйи болаларига" деган шеърини ўқиб қолди: "Сен чорасиз бир етимсан, лекин кўз ёши тўкма, ўксинма. Бу кунлар ўтар-кетар, сен учун ҳам нурафшон кунлар келар" деган мазмунда.

Ногоҳ бутун зал бир дам музлаб қолди. Қувнаб-яшнаб, шодликлари ичларига сиғмай турган болалар ҳам, илҳомлари жўшиб, қайноқ ҳаяжонда ўтиришган меҳмонлар ҳам. Хайриятки, шу заҳотиёқ сезгир ва хушкалом меҳмонлару мезбон тарбиячилар хурсандчилик гулханини қайта ловуллатиб юборишди. Фақат ўша шеъргина... қарсак ололмай қолаверди.

Ўтган асрнинг йигирманчи йиллари арафасида атоқли маърифатпарвар, замонавий йўналишдаги таълим-тарбия кашшофларидан Абдулваҳоб Ибодов ва Лев Хаимович Фейганлар Қўқонда асос солган "Детдом" ҳозирда "12-Меҳрибонлик уйи" деб аталади.

Юқорида айтилганидек, ўтган давр ичида бу даргоҳга кимлар келиб кетмади. Раҳбарлару тарбиячилар ҳам, тарбияланувчилар ҳам. Бироқ бир нарса, у ҳам бўлса, бу ерда ўзгармас анъанага айланган қатъий тартиб-интизом; ўзаро меҳру оқибат, аҳллик, билим ва касб-ҳунарга ташналик, аҳли жамоанинг тарихий, шонли йўлига садоқат каби олижаноб хусусиятларгина сақланиб, мухрланиб қолди.

Булардан-да муҳимроғи, бу муқаддас даргоҳга муносабат ва ғамхўрлик, имтиёз ва шарт-шароитлар вақт сайин яхшиланиб, кенгайиб ва такомиллашиб борди. Айниқса, мамлакатимиз мустақиллиги йилларида болалар уйларининг мазмуни ва моҳияти тубдан ўзгарди. Улар энди том маънода меҳрибонлик уйларига айлантирилиб, худди шу ном билан юритила бошланди.

Гап йўқ, ўз ота-онанг меҳридан, ўз оиланг оғушидаги тафтдан кўра кучлироқ, ёқимлироқ, жону танинг ва қисматинг учун муҳимроқ нарса бўлмаса керак. Бироқ бу неъматлар йўқ жойда унинг ўрнини босишга, сенга ғамхўрлик кўрсатишга уринсалар, жароҳатли қалбингга малҳам бўлсалар, барча қатори яшаш ва яратиш имконини туғдириб берсалар, бундан-да ортиқроқ, қимматлироқ эзгулик, бахту мукофот қайда!?

Бугунги "Меҳрибонлик уйи"даги тарбияланувчилар шўролар даврининг "Болалар уйи"даги ночор ва афтодаҳол, ниманингдир илинжида мунғайиб, кўзлари жавдираб боқувчи болалар эмас. Бугун буларнинг тотли ва қайноқ ҳаёт нашидасидан, ўқиш ва касб-ҳунар ўрганиш шавқу завқидан, эртанги куннинг ширин орзуларидан бўшаб, кемтик ва оғриқ нуқталар изтиробига тушишга фурсатлари йўқ. Мен бугун эслаган ўша дурустгина бир шоирнинг дилида жонкуярлик билан, илҳом билан ёзилган шеъри нечун қарсак ололмаганининг боиси ҳам худди ана шунда эди...

12-меҳрибонлик уйида яшаб, таълим-тарбия олаётган 120 нафар боланинг қайноқ турмуш тарзини кўриб, беихтиёр завқ тотасиз. Аввало, бу кошонанинг бугунги салобатли қиёфасидан, ўсмир ўғил-қизларнинг билим ва ҳунармандчилик сирларини эгаллашдаги шитобидан, улар қиёфасидаги масрурлик ҳамда юксак орзу-ниятлар қамровидан шодланасиз.

Ётоқхоналардаги шинамлик, кутубхона ва дарс тайёрлаш, ҳордиқ чиқариш, овқатланиш ва спорт бўлинмаларидаги шарт-шароитлар ҳавасни келтиради. Таълим-тарбия корпуслари, турли фанлар бўйича машғулот хоналари энг замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Манзурахон Акбарова, Бийрахон Якубова, Обидахон Қамбарова, Муяссархон Содиқова, Мухтасархон Иномова, Маъмурахон Мавлонова ва Аброржон Хўжақулов сингари малакали педагог-тарбиячилар ўсмир ёшларга жонкуярлик билан сабоқ беришаётганини гувоҳи бўласиз.

Жамоанинг ибратли фаолияти шундан ҳам кўриниб турибдики, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва "Сен ёлғиз эмассан" Республика болалар жамоатчилик жамғармаси томонидан шу кунларда ўтказилаётган "Энг яхши меҳрибонлик уйи" ҳамда "Энг яхши меҳрибонлик уйи тарбиячиси" деб номланган республика кўрик-танловида иккала номинация бўйича ҳам вилоят ва ҳудудий босқичларда биринчиликни қўлга киритди.

Меҳрибонлик уйида яшаб, 9-синфни битиргач, ўсмир ўғил-қизлар ўзларини қизиқтирган билим даргоҳларига ҳужжат топширадилар. Бу йил, масалан, 22 нафар худди шундай тарбияланувчиларнинг барчаси турли ихтисослар йўналишидаги коллежлар ва лицейларда ўқишларини давом эттиришмоқда. Камолиддин Беҳзод номидаги Тошкент рассомчилик ва дизайнерлик институтида ўқиётган Алишер Ғойипов, Қўқон Давлат педагогика институти талабаси Гулмира Сейтмеметова, Маннон Уйғур номидаги Тошкент драма санъати институтида таҳсил олаётган Содиқ Ортиқов каби ёшлар ҳам худди шу меҳрибонлик уйининг учирмаларидир.

Ўз ўрнида мана шу даргоҳга узоқ йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётган маҳоратли педагог-тарбиячи Раҳбархон Мирзаеванинг номини эҳтиром билан тилга олишга ҳақлимиз. Жамоанинг республика миқёсида эътироф ва обрў-эътибор топишида шу мўътабар аёлнинг хизматлари анча салмоқлидир.

Турган гапки, ўз умрида савоб ишга умуман қўл урмаган инсон бўлмаса керак. Бироқ фақат савоб ишга, эзгуликка бахшида умрлар олдида, жамики неъматларни фақат инсон эрки ва саодати учун деб белгилаётган улуғ жамият қошида ҳар қанча таъзим ва шукроналар келтирсанг, шунчалар камдир!

Мулоҳаза

Алдагани бола яхши...ми?

ёхуд болалар мусиқий эстрадасига бир назар

Шоира ХОЛМИРЗАЕВА,
Тошкент шаҳридаги "Иқтидорли болалар" академик лицейи

Халқимиз санъатсевар халқ. Ёшу қари бирдек мусиқани севиб тинглайди. Ҳатто бешикда ётган гўдак ҳам мусиқа оҳангларини эшитиб, жажжи қўлларини қимирлата бошлайди.

Болажонларимиз орасида санъатга ошнолари жуда ҳам кўп, лекин мусиқанинг туб маъносини англаш, тўла идрок этиш қобилиятига ҳамма ҳам эга бўла олмайди. Бундай қобилиятга эга болаларга қадимда ҳам катта эътибор кўрсатилган. Шундай ривоят бор: Қадимда шу заминда бир одил, халқпарвар подшоҳ ўтган экан. Лекин бахтга қарши, подшоҳнинг фарзанди бўлмаган экан. Умри охирлаб, ўлим тўшагида ётган подшоҳ васият қилибди: "Мен оламдан кўз юмганда саройга шу кун туғилган қирқта чақалоқ келтирилсин. Булар бараварига йиғлай бошлаганларида машҳур ҳофизу созандаларимиз энг машҳур халқ куйларидан бирини ижро этишсин. Ана шу мусиқа садосидан биринчи бўлиб юпанган — йиғисини тўхтатган бола менинг ўрнимга подшоҳ бўлади!"

Ҳозирги кунда мусиқий эстрадамиздаги муаммолар хусусида жуда кўп гапириляпти, лекин камчиликлар фақат "катталар" эстрадасига эмас, балки болалар эстрадасига ҳам тааллуқли эканлигини унутмаслигимиз керак. Композиторларимизнинг болалар учун яратилган аксарият қўшиқларини эшитганда, бу асар болалар учун эмас, балки жониворлар рақси учун мўлжалангандек туюлади. Масалан, бунга П. Мўмин шеърига Ф. Алимов ёзган "Оппоқ қандим" ҳамда Х. Қаюмов шеърига С. Анваров ёзган "Боғимиз" қўшиғини мисол келтиришимиз мумкин.

Қўшиқ болаларнинг маданий жиҳатдан ривожланишида катта аҳамиятга эга. Лекин буни композиторларимиз унутишган кўринади. Бу фикримизга М. Абдушукурова шеърига Н. Норхўжаев яратган "Кичик чегарачи" деб номланган болалар қўшиғи "намунали" мисол бўлиши мумкин. Мен бу асарни тинглар эканман, унинг аккомпанементи (жўрнавоз)да биттагина ре нотаси қўшиқ охирига қадар янграйди, куйда эса бир хил жумла қайтарилаверади. Айни шундай ҳолатни кўпчилик қўшиқларда кузатиш мумкин, агар уларни ҳақиқатан ҳам қўшиқ деб аташ мумкин бўлса.

Яна бир мулоҳаза: «Ҳозирги пайтда болалар учун яратилаётган қўшиқлар ичида умрбоқийлари жуда ҳам кам. Бунинг биринчи боиси, композиторимизнинг ижодида болалар эстрадаси салмоқли ўринга эга эмаслиги, иккинчи боиси куй басталашганида болаларнинг ички дунёсини ҳис эта олмаётганликларидир. Бу борада ижодининг талайгина қисмини болалар учун бағишлаган XX аср инглиз композитори Б. Британнинг фикрини айтиб ўтишни лозим деб топдим: «Катталардан кўра болалар учун асар яратиш анча мураккаб, зеро кичик тингловчиларни алдаб бўлмайди», — дейди у.

"Энг улуғ, энг азиз"

кўрик-танлови

Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳаммамиз учун энг азиз бўлмиш она Ватан мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган анъанавий "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловига барча ижодкорларни таклиф этади.

Кўрик-танловга тақдим этиладиган ижодий ишларда қуйидаги мавзу, йўналишлар ёритилган бўлиши лозим:

- мустақиллик, озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчаларнинг талқини;
- мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётидаги ислоҳотлар жараёни ва бу борада эришилган ютуқлар;
- миллий мафкуранинг қарор топиши;
- она-Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат;
- миллий ғурур, азалий ва умумбашарий қадриятлар;
- кишилар онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришлари;
- замонамиз қаҳрамонлари;
- мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимлари;
- буюк истиқлол туфайли қўлга киритилаётган моддий ва маънавий неъматлар кўлами;

Кўрик-танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Танлов ғолибларини қимматбаҳо совринлар кутмоқда.

Ижодий ишлар "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик танловига" деб кўрсатилган ҳолда икки нусхада 2006 йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.
Телефонлар: 144-57-24; 144-11-64
144-37-87; 144-64-62

«Ўзбекистон матбуоти» — Сизнинг журналингиз!

Ахборот дунёси, матбуот олами бугунги кунда шу қадар шиддатли ўзгаришларга бойки, билимимизни мустаҳкамлаш, орттирган тажрибамизни бойитиш, касбий маҳоратимизни ошириш талаб этилади. **"Ўзбекистон матбуоти"** журнали бу йўлда Сизга маънавий ҳамроҳ бўла олади, деб умид қиламиз.

Нашр индекси — 883

Таҳририят

Тараддуд

Азим Самарқанд ўзининг 2750 йиллигини янада ёшариб, мафтункор гўзаллик касб этган ҳолда кутиб олади. Бундай дейишга тўла асос бор. Чунки юбилей муносабати билан қадимий шаҳарда 87 та катта ва 200га яқин кичик қурилиш иншоотлари ишга туширилади.

Самарқанд юбилейга қандай тайёргарлик кўрмоқда?

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ

Куни кеча шаҳар ҳокимлигида юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари муҳокама қилинган йиғилишда юқоридаги рақамлар тилга олинди. Шаҳар ҳокими Сўҳроб Рафиқов юбилей комиссияси аъзоларини ушбу объектлар билан таништириб, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўлами қанчалик кенглигига улар диққатини жалб этди.

Дарҳақиқат, юбилей тантаналаригача қолган 7-8 ой мобайнида янги бинолар қуриш, эскиларини қайта таъмирлаш, янги кўчаю хиёбонлар барпо этиш бўйича жуда катта ишларни бажаришга тўғри келади. Бу ҳақда хулоса чиқариш учун юбилей объектларидан айримларини санаб ўтиш кифоядир.

Ҳозирги кунларда бузилаётган спиртароқ заводи ўрнида 4 гектарлик янги майдон вужудга келади. Бибихоним масжиди ва Шоҳизинда мажмуи оралиғида барпо этилаётган майдонда ишлар тез кунда якунланади. Кўксарой майдони реконструкция қилинади, Амир Темур ва Руҳобод майдонлари кенгайтирилади.

Қад ростлаётган кўплаб янги бинолар шаҳар чиройини янада оширади. Мирзо Улуғбек кўчасида санъат саройи ва санъат коллежи бинолари, шу кўчада автосалон, Спитамен шоҳ кўчасида автовокзал, Сиёб бозорида уч қаватли савдо мажмуи, «Дамариқ» деҳқон бозори шулар жумласидандир.

Эски шаҳар ҳудудида транспорт қатновини камайтириш мақсадида кичик халқа йўли қурилиб, фойдаланишга топширилади. Рўдакий кўчасидан ибн Сино кўчасига чиқадиган янги йўлнинг қурилиши бир вақтлар қадимий Самарқанд — Афросиёб тепалиги марказидан ўтган йўлда автомобиль ҳаракатланишини тақиқлаш имконини беради.

Қурилаётган қўшма корхоналар шаҳар ҳуснига бамисоли хол бўлиб тушиши билан бирга, янги иш жойлари яратилишига ва катта ҳажмдаги инвестиция киритилишига олиб келади. Жумладан, гилам тўқишга ихтисослашган Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси, шифер ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Россия қўшма корхонси, «Самарқанд-Сеул» тўқимачилик қўшма корхонаси бунга мисол бўлади.

Бибихоним масжиди

(Муаллиф туширган сурат)

Сайёҳлар шаҳри бўлган Самарқандни меҳмонхоналарсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кейинги йилларда уларнинг сони сезиларли даражада ўсиб, айни пайтда 38 та меҳмонхона сайёҳлар хизматида. Юбилей тантаналаригача яна 15 та янги меҳмонхона ишга туширилади.

Нигоҳ

Ахборот глобаллашуви

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари бу жараёнда қандай иштирок этмоқда?

Минг йиллигимизнинг охирига келиб, инсоният тарихида кузатилмаган ва дунёни умуман бошқа йўналишга буриб юборган "ғайритабиий ҳодиса" (глобаллашув)га гувоҳ бўлдик.

Глобаллашув жараёнининг келиб чиқиши ва унда ОАВнинг роли тўғрисида гапиришдан олдин "глобаллашув" терминига изоҳ берсак. "Глобализация" — "глоуб" (инглизчадан "globe", яъни ер шари), "глобал" ("global", яъни бутун дунёга тегишли) ва "глобаллашув" ("globalize", яъни бутун дунёга тарқалиши) сўзларидан келиб чиққан.

Акбар НУРМАТОВ,
ЎзДЖТУ докторанти

Collins English луғатида (1998) глобаллашув молиявий ва сармоя киритувчи бозорларга давлатлар ва миллатларнинг ўзаро боғланмаганликларидан фойдаланган ҳолда ривожланган ва тартибга солинган алоқалар орқали бошқариш имкониятини беради, деб таъкидланади.

Глобаллашув жараёни 1990 йиллар ўрталарида асрнинг буюк кашфиёти интернет пайдо бўлгач, янада мураккаб табиатга эга бўлди. Москванинг глобаллашув муаммолари институти чоп этган "Глобаллашув амалиёти. Янги аср ўйин қоидалари" тўпламида (2000 йил. 16-бет) глобаллашув жараёни ахборот инқилоби, айниқса, интернетнинг ривожланиши ҳамда молиявий бозорларнинг интеграциялашуви билан узвий боғлиқ экани ёзилади.

Глобаллашув жараёнини олимлар "интернационаллаштириш ёки байналминаллаштириш", "либераллаштириш ёки эркинлаштириш", "универсаллаштириш" ҳамда "ғарблаштириш", деб талқин қилишади.

"Интернационаллаштириш" — мамлакатлараро муносабатлар, халқаро савдонинг ўсиши, демократия ва инсон ҳуқуқлари каби ғояларни ўзаро алмашинишидир.

"Либераллаштириш" — мамлакатлараро очиқ савдонинг чегаралашнинг ман этилиши ва жаҳон иқтисодиётини эркинлаштириш.

"Универсаллаштириш" — бу турфа қараш ва тажрибаларнинг ер юзидаги барча инсонлар орасида тарқалиши. Иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ўсиши миллий маданият ва қадриятларнинг уйғунлашувига олиб келади. Бошқача айтганда, маданиятларнинг қўшилиб кетиши натижасида ўзгача маданият юзага келади.

Инглиз олими Вотернинг фикрига кўра, "ғарблаштириш" жараёнини "замонавийлаштириш" жараёни деб ҳам айтиш мумкин. Бироқ "замонавийлашувнинг ижтимоий тузилиши" бўлган капитализм, мустамлакачилик, саноатлашув, бюрократизм, империализм ва ҳоказолар глобаллашув жараёнининг асосий негизини ташкил қилади. Яъни гап "ғарблаштириш" ҳақида кетганда, ғарбий капитализмнинг жаҳон миқёсида устун туриши назарда тутилади. Масалан, 2000 йил маълумотларига кўра, дунёда интернетдан фойдаланувчилар сони 304 миллионни ташкил этган. Лекин бутун дунёни эгаллаб олган мазкур ахборот тармоғидан фойдаланувчилар сони давлатлар ва минтақаларда тенг тақсимланмаган. 1999 йил охирларида интернетдан фойдаланувчиларнинг 88 фоизи ривожланган давлатларда истиқомат қилишган. Бу эса дунё аҳолисининг 15 фоизини ташкил қилади. АҚШ ва Канадада ер юзи аҳолисининг 5 фоизи истиқомат қилади ва мана шу беш фоиз аҳоли интернетдан фойдаланувчиларнинг 50 фоизини ташкил этади. Маълумотлардан кўриниб турибдики, интернетни бутун дунё ахборот тармоғи дея аташ ҳам қайсидир маънода нисбийлик касб этади. Ҳозирги кунда дунё глобаллашувининг янги даври "ахборот асри" ёки "электрон юз йиллик" томон қадам ташламоқда. Сунъий йўлдошлар ва интернет орқали телекоммуникацияларнинг фаолият юритиши ҳар ким ва ҳар нарса учун ер шарининг хоҳлаган чеккасига бориш ва жойлашиш, яъни дитерриториаллашиш имкониятини яратади.

2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин дунё сиёсати мазмун-моҳият жиҳатидан мутлақо янги ва мураккаб босқичга ўтди, халқаро сиёсатдаги манфаатлар куч ва қутбларининг марказларида ҳам жиддий тузилмавий ўзгаришлар юз берди. Қўпорувчилик ҳаракатлари натижасида халқаро журналистикада мавжуд ҳуқуқий меъёрлар ва касбий этиканинг ОАВ ҳамда журналистлар томонидан суиистеъмол қилиниши, касбий ваколатлар, мажбуриятларнинг қўпол тарзда бузилиши, энг муҳими, мустақил ва холис фикр билдиришга нисбатан масъулиятнинг камайиши ҳоллари бутун дунё миқёсида кучайди. Ҳозирги кунда халқаро муносабатлар, капитал ва молиявий институтларнинг кенгайиши натижасида оммавий ахборот воситалари ҳам жаҳон тарихида мисли кўрилмаган тарзда глобаллашиб бормоқда. Муайян бир миллат ва давлатга ёки маълум бир сиёсий кучларгагина дахлдор бўлган муносабатлар ва алоқалар ҳамда ҳудудий чегаралардан чиқиб, гибрид характерга эга бўлган ўта мураккаб сиёсий-ижтимоий ва маданий воқеликка айланмоқда. Мазкур жараёнлар Ўзбекистон сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий ва маънавий ҳаётига, хусусан, мамлакат ОАВига жиддий ва кучли таъсир кўрсата бошлади. Негаки, глобаллашув жараёни шиддат билан кечаётган ҳозирги даврда Ўзбекистон мустақил, очиқ ва демократик тамойиллар асосида ривожланаётган давлат сифатида ушбу воқелик таъсиридан четда қола олмайди. Шунингдек, XXI асрнинг бошига келиб дунёда шундай бир сиёсий-иқтисодий вазият юзага келдики, у Ўзбекистонни бевосита халқаро ҳамжамият ва халқаро алмашиш жараёнларига шиддат билан интеграциялашишини талаб қилмоқда.



Айни пайтда Ўзбекистон ОАВлари таъсир доирасининг чекланганлиги, чуқур иқтисодий асос ва ахборот бозорининг тўла қарор топмаганлиги, жаҳон ахборот тармоқларига кириб боришининг сустлиги мамлакат ОАВларининг глобал ахборот алмашиш жараёнларида фаол иштирок этишига тўсқинлик қилмоқда. Натижада дунё ҳамжамияти Ўзбекистон тўғрисидаги ахборотларни учинчи манбалардан ёки жаҳон журналистикасида катта таъсир доирасига эга бўлган Россия ОАВлари орқали олмоқда. Бу эса ўз навбатида бутун дунёда айрим ҳолларда Ўзбекистон тўғрисидаги нохолис ва нотўғри тасаввурларнинг ҳамда фикрларнинг тарқалишига олиб келмоқда, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрўсига путур етмоқда.

Глобаллашув жараёнининг Ўзбекистон журналистикасига кўрсатаётган энг жиддий салбий таъсирларидан бири бу республика ОАВларининг фақатгина истеъмолчига айланиб қолаётганидадир. Мисол учун, Ўзбекистон телевидениесининг бутун мамлакат бўйлаб эфирга тарқалувчи дастурларининг 2004 йил 1 январдан 30 июнгача бўлган таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ЎзТВнинг тўртта каналлари ичида фақатгина ЎзТВ1 ("Ўзбекистон" канали) кўрсатувларининг аксариятини ушбу каналнинг ўзи тайёрлаган кўрсатувлар ташкил этади. Яъни, 6 ойлик даврда ушбу каналнинг умумий эфир вақти 2938 соатни ташкил қилган бўлса, шундан 2304,32 соатини, яъни 78,4% кўрсатувлари ўз маҳсулотларининг эфир вақтига тўғри келади. Бу кўрсаткич қолган учта каналда, яъни ТВ2да 51,4%ни, ТВ3да 45% ва ТВ4да 25,7%ни ташкил этади.

"Ўзбекистон" каналида чет эл фильмлари ва кўрсатувлари жами эфир вақти 581,35 соатни ёки 19,7% фоизини ташкил этган. ЎзТВ1 телеканалининг кўрсатувлари эфирида энг кам эътибор қаратилгани чет эл спорти ҳақидаги кўрсатувлардир.

Шунингдек, Ўзтелерадиокомпаниянинг ҳар тўртала каналидаги дунё янгиликларининг деярли 99% чет эл ахборот агентликлари ва телерадиокомпанияларининг дастурларидан ноқонуний тарзда кўчириб олинган ахборотлардан иборатдир. Бунинг устига, ўзбек ОАВларининг таъсир доираси чекланган. Ўзбекистон телеканаллари ва радио станцияларини фақатгина мамлакат билан чегарадош бўлган Марказий Осиё республикалари аҳолисигина кўриши ва эшитиши мумкин. Бу эса Ўзбекистондаги ахборот макони ва ижтимоий онгнинг тўғридан тўғри Россия ва Ғарб ОАВлари таъсири остида қолишига сабаб бўлмоқда ҳамда Ўзбекистон ОАВларининг халқаро миқёсдаги ўз ўрнига эга бўлишини тобора қийинлаштириб қўймоқда.

Ахборот асри сифатида талқин этилаётган янги юз йилликда ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан интернетнинг шиддат билан ривожланиб бораётганлиги инсоният тараққиётига янгича мазмун ва моҳият ато қилди. Давлат ва жамият ривожланишининг мазкур янгича шакли "электрон" борлиқ кўринишида характерланиб, унинг келажагини алоқа тармоқлари орқали бутун дунёни ягона ахборот маконига айлантираётган миллионлаб байтлар ва битлар ҳал қилмоқда. Интернет давлат ва халқлар ўртасидаги ахборот алмашишни мисли кўрилмаган даражада тезлаштирди, дунёни инсоният учун том маънодаги ягона глобал маконга айлантирди.

Таъкидлаш керакки, глобаллашув жараёнининг ҳаракат манбаи ҳисобланмиш Ғарбнинг (асосан АҚШ) йирик иқтисодий кучлари бутун дунёни ўзларининг корпоратив манфаатларигагина жавоб берувчи ва хизмат қилувчи "ягона хом ашё, истеъмол, ишлаб чиқариш ва ахборот бозори"га айлантиришга уринмоқдалар. Глобаллашув жараёни Ғарб давлатларининг умумий манфаатлари ҳимоясида ҳам асосий ўрин эгаллади. Ажабланарли томони шундаки, 6,3 миллиард кишидан иборат жаҳон аҳолисининг фақатгина 1 миллиардга яқини истиқомат қилувчи Ғарб давлатлари дунёдаги мавжуд иқтисодий ресурсларнинг 80 фоизини назорат қилмоқда. Сайёрамиз аҳолисининг бор-йўғи 1 фоизи дунё бойликларининг 60 фоизига эга. Бу эса миллий давлатларнинг Ғарбга сиёсий иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қарамлигига олиб келади.

Шунингдек, мазкур вазият давлатларнинг ОАВга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. ОАВнинг миллийлигига раҳна солувчи ҳозирда одатий ҳолга айланиб бораётган, кўпроқ Ғарбга хос бўлган порнографик, ваҳшийлик, наркомания, фоҳишабозлик каби иллатларни ўзида акс эттирган дастурларнинг берилиши кучаймоқда. Бу эса, ўз навбатида, миллий ОАВнинг миллий қадрият ва маданият тушунчасидан йироқлашиб, дунёнинг йирик медиакорпорацияларига маҳсулотларига мурожаат қилиб, ахборот соҳасида ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчига айланиб қолишига олиб келади. Миллий ОАВ ва журналистика хорижий (асосан Ғарб) ахборот маҳсулотларига боғланиб қолмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ОАВлари ҳам дунё янгиликларига оид ахборотларни узатишда бутунлай чет элнинг йирик корпорацияларига суянади, миллий қадриятларни ўзида акс эттирган кўрсатувлар берилиши ўрнига хориж сериаллари, кинолари, спорт кўрсатувлари ва мусиқий дастурларини ҳаддан ташқари кўп вақт эфирга узатиш жамиятимиз учун бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради:

— чет эл мафкураси, дунёқараши ва ҳаёт тарзини омма онгига сингдириб, миллий қадриятлар ва анъаналарга эътиборнинг пасайишига олиб келади;

— хорижий ахборот оқимларида мавжуд бўлган ғарбона эркин жинсий ҳаётни, зўравонлик, уруш ва қотилликлар, худбинлик, бойликпарастлик, ота-онани ҳурмат қилмаслик, ичкиликбозлик, тамаки маҳсулотлари ва наркотик моддаларни истеъмол қилишга муккасидан кетган шахслар ва шунга ўхшаш ҳолатлар ижтимоий онгга, айниқса, ёшлар тафаккурига салбий таъсир кўрсатади;

— Ғарб манфаатларини ҳимоя қилувчи ахборот оқимлари ўзбек жамиятининг миллий эстетикаси, аҳлоқ меъёрларига ва менталитетига, ёшларга миллий мафкурани сингдириш учун қилинаётган кўпгина ишларнинг самарадорлигига путур етказади;

— Миллий ОАВ маҳсулотларига бўлган талабнинг пасайишига олиб келиши;

— Миллий журналистика тараққиётини секинлаштириши мумкин;

— Миллий ахборот маконини ва онгни ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан чет эл мафкураси таъсирига тушиб қолишига олиб келади;

Глобаллашув жараёнининг бундай салбий таъсирларини камайтириш учун бир қатор муаммолар ечимига эътибор қаратиш лозим. Аввало, сўз ва ОАВ эркинлигини қоғозда эмас, балки амалда таъминланишига эришиш, ОАВ соҳасида ҳам тўлақонли бозор муносабатларига ўтиш ва унинг тартибга солиш тизимларини ишлаб чиқиш, ОАВ ва журналистика соҳасидаги миллий кадрларни тайёрлаш сифатини яхшилаш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ҳам Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида қилган маърузасида бугунги кунда республикада сўз эркинлигини таъминлашнинг жамиятимиз ривожи учун ўта муҳимлигини, ОАВ соҳасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш лозимлигини, ички ва ташқи сиёсатдаги мураккаб масалаларни чуқур тушунадиган ва таҳлил қила оладиган, ўз касбини чинакам устаси бўлган юқори малакали журналистларга катта эҳтиёж борлигини таъкидлаб ўтган эди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, глобаллашув жараёни инсониятнинг, хусусан, ОАВнинг ривожланиши учун (ўзининг барча таъсир ва оқибатларига қарамасдан) жуда қулай имкониятлар яратиб бермоқда. Хусусан, Ўзбекистон ҳам глобаллашувнинг бундай имкониятларидан фойдаланиб, жаҳон ҳамжамиятига янада тезроқ интеграциялашмоқда ва халқаро ахборот алмашиш жараёнларида фаол қатнашмоқда. Аммо глобаллашув жараёнида "жабрланувчи"га айланиб қолмаслик учун Ўзбекистон ижтимоий онгни ва миллий ОАВни тезроқ эркинлаштириши, ахборот бўшлиғи юзага келишига йўл қўймаслиги лозим. Негаки, кучли ижтимоий фикр ва ОАВ жамиятни глобаллашувнинг сиёсий-иқтисодий ва мафкуравий тазйиқлардан ҳимоя қилишда энг самарали ҳимоя воситаси бўла олади.

Нашр

«Ўзбекистон матбуоти»

Журналнинг янги сони яна ўз муштарийлари қўлида. Сиз қуйида "Ўзбекистон матбуоти" саҳифаларида берилган мақолалардан парчалар ўқийсиз.

Эркин ижод мактаби

"Hurriyat" газетаси замонавий миллий журналистикамизга алоҳида ёркин бир саҳифа бўлиб кириб келди. Газета номининг ўзидаёқ ҳурлик байроғи ҳилпираб турганга ўхшайди, бунинг устига унинг "Мустақил газета" деган таърифини айтмайсизми?!

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

"Hurriyat"нинг ўз овози бор

Бугунги кунда газета босма оммавий ахборот воситалари ичида ўзига хос ўрин ва мавқега эга. Газетанинг ўз юзи ва сўзи бор. Уни ана шундай даражага етишида ижодий жамоага етакчи бўлган бош муҳаррирлар Карим Баҳриев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Амирқул Каримовнинг кўп хизмати сингани маълум. Асосан ёшлардан иборат жамоамиз фаол муаллифлар ва муштарийларнинг ёрдамида газетани давр талабига ҳамоҳанг бўлишига эътиборини қаратмоқда.

Исмат ХУДОЁРОВ

Яхшилик қилсанг ўз дилинг бахтга ёр,
Ёмонлик кўргузсанг кўнгулда ғубор,
Ҳали қиёмат кун келгани йўқ-ку,
Яхшилик қилавер, ҳисоб не даркор.

Бедил

Мавзу бир тарафлама ёритилса...

Баъзи маълумотларга қараганда, Африка қитъасининг айрим мамлакатларида ёш, бокира қизларни ва эрли аёлларни зўрлаш ҳолатлари ниҳоятда кўпайиб кетибди. Аҳволни обдон ўрганиб, таҳлил қилишса, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ОИТС касаллиги ҳақидаги мақолалар бир тарафлама бўлиб, уни фақат фоҳишалар тарқатаётгани маълум қилинган эди...

Гулбаҳор ТАНГИРОВА

Тил билган эл билади

Ҳожаргул Қосим Шинжон журналистикаси тарихида аёллардан биринчи бўлиб ўтган йили "Хитойнинг 100 машҳур журналисти" деган энг нуфузли унвонни олди...

Танишиб улгурган суҳбатдошимни эшитиб туриб, ундаги ички жўшқинлик билан ташқи сокинликнинг уйғунлигини пайқадим. Аҳолиси бир ярим миллиард бўлган катта юртга манзур сўзни топиб айтиш учун ижодкор нақадар жўшқин бўлиши керак ахир, деб ўйладим ичимда.

Раҳима ШОМАНСУРОВА

Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади

Сиёсат

Оқ уйнинг ташвиши ортадиган бўлди

Абдул СОБИР

Венесуэлада президентлик сайлови бўлиб ўтди. Лотин Америкасининг ўртамиёна давлатидаги сайловни муболағасиз бутун дунё, хусусан, АҚШ раҳбарияти хавотир билан кузатди. Чунки айнан ушбу сайлов натижалари истиқболда АҚШ минтақада олиб бораётган сиёсат қайси йўналишдан боришини белгилаб бериши лозим эди...

Сайлов натижалари Оқ уй маъмурияти кўнглидагидек якунланмади. Венесуэла халқи ҳар қанча жанжалкаш, ҳар қанча қаттиққўл бўлмасин, амалдаги президент Уго Чавес учун овоз берди. АҚШга қарши чақириқлари билан шуҳрат топган арбоб 60 фоиз сайловчи ишончини қозона олди. Чавеснинг асосий рақиби бўлган социал-демократ Мануэл Росалес номзодини эса 40 фоизга яқин аҳоли ёқлади.

Сайловга қадар Венесуэланинг нефтга бой штатларидан бири бўлган Сулияда губернатор вазифасини бажариб келган 53 ёшли Мануэл Росалес сайловчиларга жуда катта ваъдалар берган эди. Мухолифатдаги "Янги давр" партиясидан номзод қилиб кўрсатилган Мануэл Росалес, энг аввало, амалдаги президентнинг АҚШга қарши сиёсатини қоралаб чиқди. Сиёсий дастурида Шимолий Американинг ривожланган давлати билан иқтисодий алоқаларни кучайтиришни асосий планга олиб чиққан номзод минтақадаги Куба тоифасидаги камбағал ва изоляцияда қолган давлатлар билан ҳамкорлик Венесуэлага кўп нарса бермаслигини таъкидлаган эди.

Венесуэла сиёсий саҳнасини ипидан игнасигача яхши биладиган Уго Чавес эса бу сафар ҳам халққа ёқадиган таклифларни топа олди. У сайловолди дастурида мамлакатдаги 10 миллионлик қашшоқ аҳолига имтиёзлар бериш мақсадини олдинги ўринга чиқарди.

Авом халқнинг ўз президентига муҳаббати юқори эканига яна бир сабаб Уго Чавеснинг ҳашамат ва дабдабаларга берилмаганида бўлса керак. Хорижий давлатларда ҳисоб рақамига эга бўлмаган президент ўз қўл остидаги мансабдорларга ҳам ана шу қатъий ва... оғир талабни қўяди. Президент бир гал ҳаттоки ўзининг энг сўнгги замонавий меъморчилик усулида бунёд этилган қароргоҳини мактаблардан бирига бериб юборган эди.

ННТ

Конвенция билан декларациянинг фарқи нимада?

Ана шу саволга жавоб топа олганлар ғолиб бўлишди

Саноқли кунлар муқаддам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун кўтаринки рухда нишонланди. Ҳар бир фуқаро учун муҳим аҳамият касб этадиган мазкур санани нишонлаш учун тайёргарлик эса анча олдин бошланган. Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси (ЎзННТМА) ҳам бу йилги Конституция кунини ноодатий ўтказишни мақсад қилиб олди. Чунки нафақат Бош қомусимиз қабул қилинганлигига 14 йил, балки Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигига ҳам 58 йил тўлди. Демак, қўшалоқ байрам — Конституция ва Халқаро инсон ҳуқуқлари кунини нишонлаш арафасида ННТМА Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва БМТнинг Ўзбекистондаги Ривожланиш дастури билан ҳамкорликда ўзининг 3-лойиҳасини амалга оширди.

Дурдона АЛИМОВА

Ҳуқуқий йўналишда ўтказилган лойиҳа икки босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичи 1 декабрь куни бўлиб ўтиб, Тошкент шаҳрининг икки олийгоҳи — Низомий номидаги педагогика университети ва Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университетда "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясини биласизми?" мавзусида викторина-конкурс ўтказилди. Викторина ўтказишдан мақсад ёшларнинг ҳуқуқий билими даражасини аниқлаш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ривожлантиришга қаратилган. Мавзу бўйича саволлардан таркиб топган 160 та анкета тўлдирилди. Бир анкетада 60 та савол мавжуд. "Биринчи қадам учун айнан ҳуқуқ соҳасига ихтисослашган эмас, бошқа йўналишдаги олийгоҳларда ўтказишни афзал кўрдик, — дейди Ассоциация раҳбари ўринбосари Гулнора Ишанхонова. — Миллий университет асосий кадрларни етиштириб чиқаради, Педагогика университети эса ёшларга сабоқ берувчи устозларни. Шунинг учун ҳам улардан ҳуқуқни билиш кўпроқ талаб қилинади. Аммо бу тадбир самарали натижани кўрсатгани учун келгуси йилларда бошқа ўқув юртлари талабаларини ҳам жалб этиш ниятидамиз". Чиндан-да, бундай усулнинг самара беришига шубҳа йўқ. Чунки бу бир томондан талабалар ўртасида интерактив ўтказилган бўлса, иккинчи томондан викторина-конкурс бўлгани сабабли ёшларни қизиқтира олади.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи 7 декабрь куни ўтказилиб, викторина ғолибларини тақдирлаш маросими ва инсон ҳуқуқлари борасида етакчи мутахассислар иштирокида якуний пресс-конференция бўлиб ўтди. Натижаларга кўра, 1-ўрин Педагогика университети талабаси Ирода Холметова, 2-ўрин шу университет талабаси Гулбаҳор Ҳакимова, 3-ўрин Миллий университет талабаси Қодир Абдураҳмоновга насиб этди. Ғолиблар видеокамера, фотоаппарат, аудиоплейер билан тақдирландилар. Бундан ташқари рағбатлантирувчи ўринларга флеш-диск ва икки университет кутубхонасига ноёб китоблар тақдим этилди. "Викторинанинг ҳеч қандай тайёргарликсиз олингани бироз қийиндек туюлди. Аммо бу талабанинг ҳақиқий билимларини кўрсатади. Жавоб бериш чоғида ҳуқуққа оид билимларимга ойдинлик кирита олдим. Масалан, халқаро ҳуқуқ бўйича саволларга жавоб беришда иккиланганларим уни мустаҳкамроқ ўрганишим кераклигини кўрсатди", — дейди биринчи ўрин эгаси Ирода Холметова.

Инсон ҳуқуқлари муҳофазаси ва эркинликлари таъминоти мамлакат ҳукуматининг устувор вазифаси ҳисобланади. Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини асосий қадрият деб эълон қилган ва аҳолининг ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқилган. 1997 йил 29 августда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури", 2001 йил 4 январда эса "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил қилиш тўғрисида"ги фармойиш қабул қилинган. Ҳуқуқий билимлар жамият ривожидаги асосий бўғин экан, уни ёшлар онгида шакллантириш, назорат ва талқин қилиш ҳам шунчалик муҳимдир.

Қонунни биласизми?

(Давоми. Бошланиши олдинги сонларда).

20-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш

Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта ташкил этиш унинг юқори органи қарорига биноан бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

IV. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

21-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари, республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. *Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".*

Изҳор

Тангем — миллат рамзи

“Сарой жавоҳири” телесериали “Ўзбекистон” телерадиоканали орқали иккинчи бор намойиш этилмоқда. У ўзининг жозибаси билан миллионлаб томошабинларни мафтун этгани шубҳасиз. Телеасарни халқимизга туҳфа этишда таржимон Фахриёр (Фахриддин Низомов)нинг алоҳида хизмати бор. Ундаги юзлаб иштирокчилар ўзбекча сўзлайдилар. Гарчи муҳит, давр бутунлай ўзгача бўлса-да, она тилимизда янграган калом бизни воқеалар, кишилар тақдири билан мустаҳкам боғлайди. Лафзимизга хос ширадорлик, нозик лутф ва қочиримлар, халқчил ташбеҳларнинг кўнгилга яқинлигидан сериал худди бизнинг аждодларимиз ҳаётидан суратга олингандек таассурот қолдиради. Шубҳасиз, бундай таъсирни таржимоннинг муваффақияти билан изоҳлаш мумкин.

Айни пайтда республика Миллий матбуот маркази раҳбари бўлиб ишлаётган шоир Фахриёрни мухлислар аллақачон таржимон сифатида ҳам эътироф этишган. У инглиз тилидан Ҳиллари Клинтоннинг “Бир болага етти маҳалла ота-она”, Тимоти Уинтернинг “XXI асрда ислом: постмодерн дунёда қиблани топиш” китобларини, Эн-Эйч-Кей корпорацияси (Япония)нинг 30 серияли “Буюк ипак йўли” ҳужжатли фильмини таржима қилган. Кўплаб фильмлар матнини ўзбекчалаштирган. Унинг турли йилларда “Дарднинг шакли”, “Аёлгу”, “Геометрик баҳор” шеърий тўпламлари, “Янгиланиш анъанаси” мақолалар мажмуи нашр этилган.

... Тангем ҳаётини хавф остига қўйиб, кутубхонадан қиролнинг касаллик тарихини олиб чиқади. У ўз ишидан мамнун, бироқ махсус хизмат ҳаммасидан хабардор. Бундай жиноят ўлим билан жазоланади. Тангем эса барибир тирик қолади. Фильм воқеаларидаги ҳаяжон, кескинлик теран фалсафий мушоҳадаларни қўзғайди, унинг таъсиридан томошабинда ёруғ кайфият уйғотади. Ана шу шуъла, илинж мухлисларни ҳар оқшом зангори экран қаршисига етаклаб келаверади. Кейин-чи?

Шу ва бошқа саволларга жавоб олиш учун мутаржим ФАХРИЁРга мурожаат этдик.

Суҳбатдош: **Ҳаким САТТОРИЙ**

— Сизнингча, сериалнинг муваффақияти нимада?

— «Сарой жавоҳири» ёки «Буюк Тангем» сериали Жанубий Кореянинг Эм-Би-Си телеканали орқали 2003 йилнинг сентябридан 2004 йилнинг март ойигача намойиш қилинганда рейтинги 57,8 фоизга чиқиб кетади. Одатда, телесериалларнинг рейтинги ўртача 47 фоизни ташкил қилар эди. Хўш, бунга сабаб нима эди? Асосий сабаб тарихий фактларга асосланган сериалда корейс халқининг ўтмиши ҳаққоний ёритиб берилганидир. Бир тарафдан унда милодий XVI асрда жамиятда фақат эркаклар ҳукмронлик қилган вазиятда аёл кишининг қирол саройида юксак мартабага эришиши бўлса, иккинчи тарафдан табобат ва пазандалик сирлари батафсил намойиш этилганидир. Сериал фақат Жанубий Кореяда ёки Ўзбекистонда муваффақият қозонгани йўқ. У Япония, АҚШ сингари мамлакатларда ҳам жуда катта қизиқиш билан томоша қилинмоқда. Бундан ташқари, Жанубий Кореяда сериал суратга олинган жойлар бўйлаб саёҳат уюштириш ҳам йўлга қўйилган.

— Телесериалнинг бош қаҳрамони Тангем жуда кўп қийинчиликларни енгиб, мақсадига эришади. Бироқ у ҳаммасидан ҳам мосуво бўлиб қолиши мумкин эдими?

— Мен масалани бошқачароқ қўйган бўлар эдим. Уни ўз олдига қиролнинг шахсий табиби бўламан, деган мақсадни қўйиб, шунга интилган дейиш унчалик тўғри эмас. Эсингизда бўлса, Тангем онасининг васиятини бажаришга, яъни қирол ошхонасига бориб, сарой бекаси бўлишга ва унинг ноҳақ ўлиб кетганини исботлашга ҳаракат қилади ва бунга эришади ҳам. Ўзининг кучли анъаналарига эга бўлган, қалин қариндош-уруғчилик ёки очкўз манфаат ришталари билан ўзаро боғланиб кетган аъёну боёнларга четдан келган аллақандай бир қизнинг ўз кучию қобилияти, тиниб-тинчимай ўрганишию чеккан заҳматлари билан саройда ўрнини топиши, албатта, ёқмас эди. Саройдаги бирор сония ҳам тўхтамайдиган фитнаю манфаатлар кураши оқибатида бош қаҳрамон кўп азият чекади, аммо алал-оқибат онасининг ҳам, бека Ханнинг ҳам бегуноҳ эканини исботлайди, киноятчилар тегишли жазосини олади. Унинг саройга интилгани сабаби бош табиб бўлиш эмас, аксинча, яқинларининг фитна қурбони бўлиб кетганини, аслида бегуноҳ эканини аниқлаш эди. Халқ ҳаётининг покизалиги, бардам руҳи унга қувват бағишлайди, шу туфайли ўзида ғалабага куч топади.

— Тангем корейс халқининг типик вакили дейиш мумкинми? Сериалдаги ўтмиш воқеаси билан Корея давлатининг бугунги мавқеи ўртасида ички мантиқий боғланиш борми?

— Албатта, мумкин. Мен нега бунақа савол бераётганингизга ҳайрон бўляпман. Менимча, сериал бунақа шубҳага ўрин қолдирмайди. Тўғри, Тангемнинг ҳар қандай мушкул, ҳаёти қил устида турган вазиятдан ҳам чиқиб кетавергани уни «Ўлмас Кошчей»га айлантириб қўйгандай туюлиши мумкин. Аммо сериал бадиий тўқима маҳсули бўлса-да, тарихий фактларга асосланган. Унда анъана, тутим, дин, сарой этикети, жамиятда эркак ва аёлнинг, турли ижтимоий табақаларнинг тутган ўрни ишонарли тарзда ёритиб берилгани Тангемнинг ҳам, бошқа образларнинг ҳам типик эканига шубҳа қолдирмайди. Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, ўз тарихидан, динидан, анъаналаридан бизга ўхшаб, маҳрум этилган халқнинг ўтмиши билан бугунги куни ўртасида мантиқий боғланиш заиф бўлиши ёки умуман бўлмаслиги мумкин. Дунё тарихида коммунистлардан бошқа ҳеч бир босқинчи ўзи босиб олган ерлар аҳолисини зўровонлик билан дини ёки бошқа қадриятларидан маҳрум қилмаган, аммо шу билан бирга, ўз маданияти экспансиясини ҳам тўхтатмаган. Фақат уларни тиқиштириш йўллари бошқача бўлган, холос. Шу маънода корейс халқининг сериалда тасвирланган ўтмиши билан хозирги куни ўртасидаги мантиқий боғланиш бўлиши табиий. Ўша дин, ўша анъаналар, ўша меҳнатсеварлик...

— Умуман, сериал қайси жиҳатлари билан мафтункор? Уни “Кўнгил кўчалари”, баъзи Ғарб ёки Америка сериаллари билан таққослаганда қандай хулосалар келиб чиқади?

— Ҳаёт ҳамма жойда ҳам ҳаёт. Унинг мазмуни инсоннинг эътиқоди, дини, анъанаси, турмуш тарзи, қадриятларидан қатъи назар, асосан ўхшаш. Айниқса, ҳокимиятнинг анатомияси бир қараганда бир-биридан нафақат масофа жиҳатидан, қолаверса, дину тутимлар жиҳатидан-да узоқ бўлган жамиятларда ҳам айнан бир хил эканини кўриб ҳайрон қоласан. Эрта бир кун ўзимизда ҳам тарихий мавзуга оид шундай сериаллар суратга олинса, хонлар ёки амирлар саройидаги ҳаёт тасвири, тахминан, шунга ўхшаш бўлади. Фақат шакл фарқ қилиши, фитнанинг миқёси катта ёки кичик, манфаатлар кураши оқибатида кўп ёки кам қон тўкилиши мумкин, аммо мазмун ўша-ўшалигича қолаверади. Сериални томоша қилаётганда, истайсизми, йўқми, ўзимизнинг тарихга оид фильмларимизни эсга оласиз. Назаримда, Улуғбекнинг ўз ўғли томонидан ўлимга маҳкум қилинишига Абдуллатифнинг баъзи бир жоҳил кишиларнинг гапига киришидан кўра, асослироқ, фожиалироқ сабаблар бўлиши керак. Негаки, оддий бир қирол ошхонаси бекаси Мюнгуйнинг ноҳақ ўлими томошабинни шунчалик ларзага солар экан, Султон Ҳусайн (Бойқаро)нинг ўз неварасини ўлимга ҳукм қилишини фақат унинг майхўрлигига йўйиб талқин қилиш билан, бирёқлама тасвирлар орқали томошабинни таъсирлантириб, ўша замондаги ҳаёт ҳақиқатини тўла тушунтириб бўлмайди. Бошқача айтганда, инсоний кечинмалар нуқтаи назаридан талқин қилиш оқсайди. Кинонинг таъсир кучи айнан шунда. Тўғри, бир ёки икки серияли фильмда сериалдагидай тафсилотларга берилиб бўлмас, аммо бугун ўзимизда миллий сериаллар яратиш ҳақида гап-сўз бўлаётган ва ҳукуматнинг тегишли ҳужжатларига қўл қўйилган экан, томошабинларга узоқ, фожиали ва музаффар тарихимизни бадиий талқинда таъсирли, ибратли қилиб кўрсатиб бермасак бўлмайди. Ёшлар онгига ҳозир етишмаётган миллий ғурурни ҳам, мафкуравий иммунитетни ҳам учтўртта буюк боболаримиз отини қаторлаштириб санаш билан эмас, мана шунақа сериаллар орқали, тарихий фактларни кечинмаларга йўғириб кўрсатиш ва ҳис қилдириш орқали сингдириш мумкин. Ватанни билиб эмас, ҳис қилиб севиш мумкин. Шу маънода “Сарой жавоҳири” сериали муҳим тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Сериалда ўрта асрлардаги сарой ҳаёти ҳаққоний акс эттирилиши билан бир қаторда боя айтганим ўша вақтдаги сарой этикети, табобат, пазандалик маданияти ишонарли ва батафсил очиб берилган. Ўрта асрга хос архитектура, актёрларнинг костюмлари кўзни қувонтиради.

Энди уни бошқа Ғарб ёки ўзимизнинг сериалларга солиштирадиган бўлсак, фарқ — ер билан осмонча. Тўғри, ҳар бир сериал замирига муайян миллатнинг ғояси сингдирилади. Аммо тан олиш керак, уларнинг аксарияти кўнгил очиш, тошабинни овунтириш учун яратилади. Тинмай такрорланаверадиган маиший ҳаёт саҳналари одамнинг энсасини қотиради: интрига ҳам майда, зиддият ҳам жўн. Сюжетни эса гапирмаса ҳам бўлади. Уларда “Сарой жавоҳири”дагига ўхшаш интригалар интенсивлиги, фавқулоддалиги етишмайди.

— Сериалда улуғланган асосий ҳаётий идеал нима?

— Мен 1994 йили Агра шаҳрига бориб, Тожмаҳални зиёрат қилганимда хаёлимдан бир гап кечган эди. Шоҳжаҳон нечанчидир фарзандини туғаётиб, дунёдан кўз юмган умр йўлдоши Мумтозмаҳалбегимга атаб, 22 йил деганда Тожмаҳални бунёд қилдиради. Ҳаммамиз бу мўъжизанинг таърифини кўп эшитганмиз, аммо шахсан мен унинг бир аёл хотирасини эъзозлаш учун қурилганидан, бир марҳума аёлнинг қадри шунчалар баланд бўлиши мумкинлигидан ҳайратга тушганман. Худди шунингдек, бу сериалда ҳам қобилияти, ақл-идроки, зеҳни эркакларникидан кам бўлмаган Тангемнинг аёлларга нисбатан паст назар билан қараш жамият кишиларининг суяк-суягига сингиб кетган, унга нафақат оддий халқ, ҳатто қирол ҳам қарши боролмайдиган бир шароитда бундай юксак мартабага ўз меҳнати билан эришиши тараннум этилган.

— Сериал қандай ҳаёт ҳақиқатини тасдиқлайди?

— Аёлини қадрлайдиган жамият буюкдир. Қолаверса, бу саволга олдинги саволларда батафсилроқ жавоб бериб ўтдим, шекилли.

— Сериалда миллийлик ва умуминсонийлик, тарихийлик ва замонавийлик қандай акс этган?

— Бундан 4-5 йил олдин колумбиялик ёзувчи Габриэл Гарсиа Маркеснинг «Мустабиднинг паймонаси» романини ўқиган эдим. Унда умри ҳаёт ва мамот ўртасида кечаётган диктаторнинг ҳаёти тасвирланган. Сарой ҳаёти бундан 5 асрлик олдинги муҳит акс эттирилган “Сарой жавоҳири”даги ҳаётдан деярли фарқ қилмайди. Ўша-ўша тарафкашлик, ўша-ўша очкўзлик, манфаатга эришиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмаслик. Шу маънода сериал қанчалик миллий бўлса, шунчалик умуминсоний ҳамдир. Ундаги воқеалар тарихий экани тўғри, аммо инсоний муносабатлар ўша-ўша. Бинобарин, инсоний муносабатларда воситалар, шакл ўзгариши мумкин, мураккаблик ёки нозиклик даражаси турлича бўлиши мумкин, аммо моҳият барибир сақланиб қолади.

— Таржима жараёнида ва сериални экранда кўргач, қалбингизда кечган туйғулар билан ўртоқлашсангиз.

— Таржимани тугатганимдан бери орадан бир йилча вақт ўтди. Албатта, қаттиқ таъсирланган жойларим ҳам бўлди. Аммо мен унга биринчи навбатда ижодий иш деб қараганман, қаҳрамонларни ўзбекча гапиртиришга ҳаракат қилганман. Шунинг учун таржима машаққати билан олишаётганда уни оддий томошабиндай маза қилиб кўриб бўлмайди. Менинг бир одатим бор: ўзим таржима қилган сериални экранга чиққанидан сўнг иложи борича кўрмасликка ҳаракат қиламан.

— Сериалнинг давоми борми? Умуман, бу йўналишдаги изланишларингиз давом этадими?

— Йўқ, сериалнинг давоми йўқ. Албатта, телевидение билан, айниқса, таниқли ёзувчи дўстим, сериалнинг ўзбекча варианти муҳаррири Назар Эшонқул билан ҳамкорлик қилиш мен учун ҳамиша мароқли. Баъзан улар тарафдан таклифлар ҳам бўлиб турибди. Аммо ҳозирча бошқа ишлар кўпайиб кетгани учун таржима борасидаги ҳамкорлик бир оз тўхтаб қолди. Худо хоҳласа, ҳамкорликни давом эттириш ниятимиз бор.

Назм

Юлдузни қуғоқлаб ухлаб қоламан

Насиба **ДИЛСЎЗ**

Кечиккан ғунча

Маъюсгина чайқалар ғунча,
Ифор бўлиб сочилмоқ учун.
Талпинасан офтобга бунча,
Кечикдингми очилмоқ учун?



Аммо гўзал, ёруғ шу олам,
Қиров бўлиб лабингга чўкар.
Ёмғир айтар ёздан шўх салом,
Кўк аямай қаҳрини тўкар.

Манман шамол беради озор,
Ўкраяди қоп-қора қушлар.
Яноғингдан ўпа бошлар қор,
Муздек қўли ёқангдан ушлар.

Дийдирайсан, титрайсан ҳайрон,
Бу қандайин ноҳақлик, дейсан.
Яшнамоққа тайёр митти жон,
Очилмоқни ҳамон истайсан!

Ҳукмрон Вақт гуллашга қўймас,
Кечикканинг келади малол.
Кузга таъна қилаверма, бас,
У ҳам меҳмон, видолашиб қол.

Тушунмайсан — бўласан хафа –
Ҳар нарсанинг вақти борлигин.
Англаб етгум шунда илк дафъа,
Сен — ечилмай қолган бир тугун.

Мавҳум қолган қанча синоат –
Балки сенда мен излаган бўй?
Сўнг бор баҳор кўчоғида ёт –
Иссиққина кафтимга бош қўй.

Ғамгин ҳислар

Укам Акмалнинг хотирасига

Ғамгин ҳислар менга бегона,
Йўқ, уларни ошно тутмайман.
Гуллаш вақтим келса гар шомда,
Гуллайвергум, тонгни кутмайман.

Чунки кўнглим завқни суяжак,
Топиб олгум шодликни ўзим:
Юрак бирдан бахтни туяжак –
Юлдузларни кўрмакда кўзим.

Ким билади, нелар ёр тонгда,
Балки баҳор, балки ёғар қор?
Таъзим айлай меҳрибон шомга,
Зотан, гуллаш имконимда бор.

Қора кунлар отганида тош,
Йиғлаганман мен ҳам қон ютиб.
Инжа туйғум ғийбатга талош,
Баъзан кулгу қўйган унутиб.

Шунда дилни ўртаган алам,
Вужудимни ёққан изтироб,
Бўлиш керак нега мукаррам,
Нега азиз, Ҳаёт, бер жавоб?!

Манзилим қай? Бора-борганча
Нега ғамни ардоқлашим шарт?!
Бор умримни шўрга қорганча
Ўтиб кетма, Кўз, ёшингни арт!

Армонларни бағримга босиб,
Бўзлаб чиқмоқ керакми тунлар?!
Чеккан азоб — гарчи ул насиб,
Хазон янглиғ унутилсинлар!

Жўшқин қалбим завқни суяжак,
Гина-қудрат душманим, нетай?!
Мени кулиб чорласин-да Ҳақ,
Сўнгги йўлга жилмайиб кетай.

Сархушман

Менга шароб тутма, майпараст дўстим,
Ичган аламлардан ерпарчин — мастман.
Гоҳида иқболдан маст бўлдим — ўсдим –
Пойимда ястаниб ётибди осмон.

Май менга не даркор, симирдим тунни,
Симирдим қуёшнинг тутган жомини –
Ичаяпман менга аталган кунни,
Олқишлаб ё қарғаб ҳаёт номини.

Ҳар тонг тирикликнинг таъмини тотиб,
Ширинми, аччиқми титроқ туярман.
Орзуни кўтариб, армонга ботиб,
Сабр косасига кўз ёш қуярман.

Руҳим фалакдаги ойни ичаркан,
Юлдузни қучоқлаб ухлаган тушман,
Ҳавони энтикиб симираркан тан,
Май менга не даркор, ҳали... сархушман.

Танлов якунига етмоқда!

Республика электрон ва босма оммавий ахборот воситалари учун

Мамлакатимиздаги ёш истеъдод эгаларини кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган “Келажак овози” республика кўрик-танловининг янада кенг миқёсда ўтказилишини таъминлаш мақсадида Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди электрон ва босма оммавий ахборот воситалари журналистлари ўртасида кўрик-танлов эълон қилган эди. Танловнинг вилоят саралаш босқичи жараёнларини ёритиш бўйича ўтказилган биринчи босқичи Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида якунланди.

Ташкилий қўмита “Келажак овози” танловининг навбатдаги иккинчи босқичига саноқли кунлар қолганини билдиради.

Танловда мулк шаклидан қатъий назар, юридик шахс бўлган ва Қорақалпоғистон Республикасида, Ўзбекистоннинг вилоятлари ва туманларида фаолият кўрсатаётган электрон ва босма оммавий ахборот воситалари иштирок этиши мумкин.

Танловнинг иккинчи босқичини ўтказиш шартлари

Иккинчи босқичда “Келажак овози” танловининг республика саралаш ва финал босқичи жараёнларини ёритишга қаратилган ижодий ишлар қабул қилинади ва танлов якунида ғолиблар тақдирланади.

Танловга тақдим этилган телерадиомаҳсулотлар ЎзННТ Бадиий Кенгаши ва ЎзЭОАВМА Маслаҳат маркази томонидан қабул қилиниб, ўрганиб чиқилади ва улар бўйича ишчи гуруҳи хулосаси тайёрланади.

Танловга тақдим этилса босма нашрларда чоп этилган ижодий ишлар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат Фонди Маслаҳат кенгаши томонидан қабул қилиниб, ўрганиб чиқилади ва ишчи гуруҳи хулосаси тайёрланади.

Ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган хулосалар соҳа мутахассисларидан таркиб топадиган нуфузли Ҳайъат аъзолари муҳокамасига тақдим этилади.

Ҳайъат аъзолари тақдим этилган ижодий ишларда “Келажак овози” республика танловининг мақсад, моҳияти ва аҳамияти қай даражада тўлиқ ва кенг очиб берилганлиги, профессионал тарзда ёритилганлиги, уларнинг ижодий ва техник савиясига қаратилган мезонлар асосида ғолибларни аниқлайди.

Тақдим этилган телерадиомаҳсулотлар рус ёки ўзбек тилида, сифатли дискда, сценарийси билан биргаликда қабул қилинади. Унга телерадиостанция ҳақида маълумот, муаллифнинг профессионал фаолияти, паспорт маълумотлари илова қилинади.

Тақдим этилган материаллар икки нусхада, ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган бўлиши керак.

Ишга босма нашр тўғрисида маълумотлар — нашр номи, муассислари, бош муҳаррири, ихтисослашуви, адади, тарқатилиш ҳудуди, манзили.

Муаллиф тўғрисида — фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид маълумотлар илова қилинади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Танлов ғолиблари икки номинация бўйича эълон қилинади:

— *“Келажак овози” республика кўрик-танловини ёритишга қаратилган энг яхши телерадиомаҳсулотлар тўплами;*

— *“Келажак овози” республика кўрик-танловини ёритишга қаратилган матбуотда чоп этилган энг яхши ижодий ишлар тўплами.*

Ҳар битта ўринга ғолиблик юқорида кўрсатилган икки номинация бўйича белгиланган. Ғолиблар ҳар икки номинация бўйича қуйидаги тартибда мукофотланади:

- **битта 1-ўрин** — 150 000 сўм;
- **иккита 2-ўрин** — 100 000 сўм;
- **учта 3-ўрин** — 50 000 сўмдан.

Танлов “Келажак овози” танловининг республика саралаш ва финал босқичи жараёнларидан кейин якунланади ва ғолиблар 2006 йил декабр ойи охирида эълон қилиниб тақдирланади.

Босма нашрларда чоп этилган ижодий ишлар “Келажак овози” республика танловини ёритишга” деган қайд билан танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри — 700129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, www.nmf@uzpak.uz.

Электрон оммавий ахборот воситаларида узатилган телерадиомаҳсулотлар “Келажак овози” республика танловини ёритишга” деган қайд билан танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фондига қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри — 700000, Ҳ. Олимжон майдони, “Пойтахт” бизнес-комплекси ғарбий томони, 4-йўлак, 2-қават.
Тел-факс: 137-28-30,
www.naesmi.uz.e-mail: naesmi@mail.ru

Ташкилий қўмита



Осимхон ВИСОХОНОВ чизган

— Қизимнинг кийимини сал кенгроқ тикиб қўйибсиз...

Азиз газетхонлар!

«Чағониён»

газетасига 2007 йил учун обуна давом этмоқда

Обуна барча почта бўлимлари ва “Матбуот тарқатувчи” бўлинмаларида ҳамда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинаётир.

Бизнинг “Ўзбекистон почтаси” очиқ акциядорлик жамияти ва “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компаниясининг 2007 йил учун обуна каталогидаги нашр кўрсаткичимиз:

Якка обуначилар учун — 484 Ташкилотлар учун —485

O'ZINGNI ANGLAI

HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.

Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Ислом СУЛТОНОВ

Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 00

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г - 1455 Т: 2059 2 3 4 5 6